

4P206
X-91
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
И Н С Т И Т У Т И

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 8(575.1) (092) Югнакий

ХЎЖАНОВА ГУЛЧЕҲРА УРАЛОВНА

«ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ» ПОЭТИКАСИ

10.01.03. Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2001

5123012 кутубхонаси
аъзоларига!
Хуррамат Б-Н
Ғ. Ҳасан

Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори
ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

Расмий оппонентлар: - ЎзФА академиги, филология фанлари доктори, профессор **А.П.ҚАЮМОВ**

- филология фанлари доктори, профессор **Б.ТҶҲЛИЕВ**

Етакчи илмий муассаса: Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети

Диссертация ҳимояси 2001 йил декабр ойининг 12 куни соат 1400 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги ДК 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.
(2-қават)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2001 й. ноябр ойининг 07 кунда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари доктори

А.А.ЖАЛОЛОВ

27. 11. 2001.

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги: Жонажон ватанимиз ва заҳматкаш халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, маданий ва адабий меросга муносабат ҳам тубдан ўзгарди ҳамда янгиланди. Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек, «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа»¹га айланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга берган имкониятлардан бири узоқ тарихга эга бўлган бой адабий, маданий ва маънавий меросимизни тўла равишда ҳолис тадқиқ ва таҳлилга йўл очганидир. Шу боис, мумтоз адабиётимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган диний-тасаввуфий ижод намуналари, шунингдек исломий ғояларга таяниб яратилган асарлар ҳам тўғри баҳосини ола бошлади.

Ўтмишдан яхши маълумки, ўзларининг узоқ асрлик тарихлари мабойнида туркий халқлар бир неча йирик салтанатларни барпо қилганлар. Шулардан бири қорахонийлар ҳокимияти эди. Қорахонийлар туркийлар бино этган илк мусулмон давлатидир. Академик Азиз Қаюмов таъкидлаганларидек, «Марказлашган давлат, ҳамма вақт маълум иқтисодий ва маданий юксалишни вужудга келтиражаги аниқ. Қорахонийлар давлати ҳам шундай бўлди»². Ана шунинг учун ҳам қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» каби ўлмас адабий обидалар яратилган эди. Бу асарлар орасида «Ҳибат ул-ҳақойиқ» алоҳида мавқе ва ахлоқий-таълимий қимматга эга. Чунки у туркий тилда яратилган ва ҳамма ижтимоий табақалар томонидан зўр эътибор билан ўқилиб келинган панднома – илм ва маърифатни улуғловчи ўзига хос ахлоқ китоби. Бу пурҳикмат панднома китобхонни комилликка ундовчи жуда кўплаб ибратли фикрларнинг бебаҳо хазинаси. Ундан баҳраманд бўла олиш эса жаҳолат, илмсизлик, нодонлик ва ғафлатга қарши боришнинг айнаи ўзидир.

¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1998, 524-б

² Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Т., 1972, 3-бет.

«Адибларнинг адиби» дея эътироф этилган Аҳмад Югнакий шахси ва ижоди билан қизиқиш узоқ асрлардан буён давом этиб келади. Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асаридаги Адиб Аҳмадга доир фикр-мулоҳазалар ҳам шундан гувоҳлик беради. Навоий эътирофига кўра, Югнакийнинг «аксар турк улусида ҳикмат ва нукталари шоеъдур»³. Йигирманчи асрга келиб илмда Аҳмад Югнакий таржимаи ҳоли ва ижодиётига қизиқиш янада ортди. Югнакийшуносликда муҳим илмий аҳамиятга молик бир қанча тадқиқотлар яратилди⁴. Лекин ҳанузгача «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг поэтикасини текширишга бағишланган илмий иш ёзилгани йўқ. Тадқиқотнинг долзарблиги, энг аввало, унда ана шу масала кенг кўламда ёритилганлиги билан белгиланади.

Аҳмад Югнакий валоят ва каромат соҳиби бўлган беназир ижодкор. Демак, у ислом дини қонун-қоидаларини чуқур билиш, уларга тўлиқ амал қилиш билан бир қаторда тасаввуф таълимотидан ҳам яхши хабардор бўлган. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да Адиб Аҳмаднинг тасаввуф ва жавонмардлик ғояларидан илҳомланганлигини тасдиқлайдиган сатрларга тез-тез дуч келиниши ҳам бежиз эмас. Биз булар тўғрисида ҳам атрофлича мулоҳаза юритдик ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг бадиий хусусиятларининг айрим жиҳатларини алоҳида фаслда ёритиб бердик. Булар ҳам мавзунинг долзарблигини белгилашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ва Аҳмад Югнакийнинг поэтик маҳоратини ёритишдан иборат.

³ Алишер Навоий. Асарлар. 15-том, 1968, 157- бет.

⁴ Фитрат А. Айбатул ҳақойиқ. //«Маориф ва ўқитувчи», 1928, -10-сон; Маллаев Н.М. Аҳмад Югнакий – Ўзбек адабиёти тарихи. 1 китоб, -Т., 1976, 138-150-б; Маҳмудов К. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. -Т., 1972; Бертельс Е.Э. Хибат-ал-хакаик Аҳмада Югнаки, - Труды САГУ, Новая серия, вып. 3. Кн. 1, Т., 1945; Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. -М.-Л., 1951; Баскаков Н.А. Тюркские языки, М., 1960; «Татар эдэбияты тарихы» 1-том. - Казан, 1984, 79-82-бетлар; Ахмед Йүгінеки. Ақиқат сыйы. Баспаға дайиндағандар: Э.Курышжанов, Б. Сағындықов. -Алматы, 1985; Abdurrahman Guzel. Dini-Tasavvufi türk edebiyatı. Ankara. 1999; Necib Asim, Hibetü'l-hakayık. (1.ksm.: metin, tercüme ve izah, 2. Ksm.: faksimile), -İstanbul, 1918; Köprülü M.F. Aybetü'l hakayık'a dair, Türkiyat, I, 1925; Шу муаллиф: XII-inci asır türk şairi Edip Ahmet, Türkiyat, I, 1925; Шу муаллиф: Hibetü 'l- hakayık'a ait yeni malumat, Türkiyat, II, 1928, Arat R.R. "Atebetü'l – hakayık. -Ankara, 1992.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқотда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

- Аҳмад Югнакий яшаб ижод этган даврни ойдинлаштириш ва бу хусусдаги баҳсу мунозараларга тарихий, адабий ва илмий далиллар асосида аниқлик киритиш;

- "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг мавжуд нусхаларига доир фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, унинг матнлари таркибидаги баъзи бир ўзгаришларнинг туб сабабларини ёритиш асар сарлавҳаларига тегишли янги мулоҳазаларни илгари суриш;

- ғоявийлик ва мазмундорлик кўлами жиҳатидан "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг ўзига хосликларини очиб бериш. Унинг Куръони Карим ва ҳадислар билан алоқадор ўринларини атрофлича талқин қилиш. Шунингдек асардаги тасаввуфий мазмун ва ҳақиқатларни ўрнини кўрсатиб бериш ва бевосита жавонмардлик заминида юзага чиққан фикр-туйғуларга эътиборни тортиш;

- Шарқ поэтикasi талаблари ва қонун-қоидаларига таяниб асарнинг бадиий хусусиятларини очиш: шоирнинг аллитерация, қофия, вазн, анъанавий бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳоратини атрофлича тадқиқ қилиш;

- асарнинг туркий халқлар оғзаки ижодиёти билан алоқадор ўринларини ёритиш;

- "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг ўзидан кейинги даврлар туркий адабиёт тараққиётига ўтказган таъсирини изоҳлаш ҳамда унинг замонавий аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Аҳмад Югнакийнинг таржimai ҳоли ва ижодиёти тўғрисида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Шунингдек, унинг ҳаёти ва адабий мероси адабиётшунослик илмида алоҳида тадқиқот тарзида урганилгани йўқ. Шунинг учун Адиб Аҳмад яшаган тарихий шароит ва шоир ижодиётининг ғоявий – фалсафий замини хусусида баҳсу мунозарали фикр ва мулоҳазалар илгари сурилиб келинмоқда. Тарихий, адабий манбалар ва илмий асарларидаги факт ва маълумотларга асосланиб Адиб Аҳмаднинг ижодий шахсиятини гавдалантириш, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ҳақида мумкин қадар кенг маълумот бериш, унинг ғоявий – бадиий хусусият ва фазилатларини ёритиш ҳамда бу нодир пандноманинг қадимги туркий ёзма ёдгорликлар орасидаги мавқеини белгилаш, замонавий қиммати ва аҳамиятини баҳолаш диссертациянинг янгилиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг манбалари. "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг илмий-танқидий матни ва факсимили 1951 йилда турк олими Р.Р.Арат (Рашид Раҳматий Арат) томонидан чоп этилган. Бу китоб 1992

йилда қайта нашрдан чиққан. Асарнинг Ўзбекистондаги нашри эса 1971 йилда филология фанлари доктори Қ.Маҳмудов томонидан амалга оширилган. Диссертацияда асосий манба сифатида ушбу икки нашрга суянилди. Қиёс учун асарнинг Р.Р.Арат нашрида берилган фотонусхаларига мурожаат этилди. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарлари нашрларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Энг аввало, Аҳмад Югнакий ҳаёти, "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асари Мустақиллик даври ва мафкураси талабларига асосланиб тадқиқ этилганлигини таъкидлаш лозимдир. Диссертацияда адибнинг туғилган жойи, таржимаи ҳоли, адабий шахсияти, "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг яратилишидан кўзда тутган асл мақсади ва комил ахлоқ тарғиботчиси сифатида эришган ижодий ютуқлари ёритиб берилган. Бу фикр-мулоҳазалар ва Адиб Аҳмаднинг бадий маҳорати юзасидан илгари сурилган хулосалар келажакда югнакийшунослик бўйича амалга ошириладиган тадқиқотлар учун маълум аҳамият касб этиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларидан дарслик, қўлланмалар ва маънавий-маърифий тарғибот ишларида ҳам фойдаланса бўлади.

Тадқиқотнинг илмий-услубий асоси. Диссертациянинг илмий-услубий асосини қадимги туркий адабиёт ёдгорликларини ўрганган олимлардан Абдурауф Фитрат, А.Қаюмов, А.Рустамов, Қ.Каримов, Қ.Маҳмудов, И.В.Стеблева, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмоновларнинг тадқиқотлари ташкил этади. Шунингдек, Е.Э.Бертельс, А.Ҳайитметов, А.Абдуғофуров, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов, Б.Саримсоқов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров каби олимларнинг ҳамда усмонли турк тадқиқотчилардан М.Ф.Кўпрулу, Р.Р.Арат, Т.Такинларнинг илмий асарларига таянилди.

Тадқиқотнинг жорийланиши. Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Навоий бўлимида яратилди ва шу бўлимнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди. Шундан сўнг диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳузурида ташкил этилган илмий семинарларда ҳам муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган. Мавзу юзасидан «Ўзбек тили ва адабиёти», «Тафаккур» ҳамда бошқа журналларда («Ҳидоят», «Қонун ҳимоясида») мақолалар эълон қилинган. Шу билан бирга «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари» номли монографияси (Тошкент, 2001. 7 б.т.) ҳам чоп этилган.

Диссертациянинг қурилиш тартиби. Тадқиқот муқаддима, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида мавзунинг ўрганилиш даражаси, долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, ишнинг назарий-услубий асоси, илмий-назарий аҳамияти, жорийланиши ва таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** «Аҳмад Югнакий яшаган тарихий ҳаёт ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг ўрганилиши» деб аталган.

Ўтмишдан яхши маълумки, IX асрдан бошлаб Ҳоқонийлар номи билан мустақил ҳокимият эгаси бўлган қорахонийлар X асрнинг ўрталарида ўз хоқонлари Сотик Бугрохон ислом динини қабул этгач, мусулмон бўлиб яшай бошлаганлар. X асрнинг ўрталаридан то XI аср охирларигача эса қорахонийлар Ўрта Осиёнинг улуғ ва қудратли давлати тарзида фаолият кўрсатган. Айниқса, Мусо Бугрохоннинг укаси Ҳорун Бугрохон ҳукмронлик қилган даврларда бу давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий куч-қудрати ортиб, бошқарув чегаралари янада кенгайган.

Қорахонийлар замонида Қошғар, Болосоғун, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар илм-фан, маданият марказлари бўлган¹.

Қорахонийлар подшоҳлигининг катта хизматларидан бири, давлат тили, сарой тилининг туркий бўлганлигидир. Чунки, уларнинг қўл остидаги жойларда халқнинг кўпчилиги туркий кавмлар эди. Бу эса ўз навбатида туркий тилдаги адабиётнинг ривож топиши ва бир неча ўлмас бадий обидаларнинг дунёга келишига имкон яратди. Булар туркий-исломий адабиётнинг дастлабки мукамал намуналари бўлмиш Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" номли асарларидир. Албатта, ушбу асарларнинг ҳар бири ўзига хос ва янгиликларга бой ижод намуналари бўлса ҳам уларнинг образ яратиш, дунёни бадий идрок этиш ва уни тасвирлаш усулларида араб, хусусан, форс-тожик адабиёти билан кўпгина яқинликлар кузатилади.²

Туркий адабиётда ахлоқ-одоб, панд-насиҳат, комиллик фазилатларини эгаллашга даъват, яъни дидактик тамойил доимо

¹ Bugro M. Dogu Türkistan tarihi, -Ankara, 1987, s. 184-187.

² Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари. - Т., 1991, 6-бет.

муҳим ўрин ишғол этиб келган. X-XII асрлардан эътиборан эса дидактик мавзуларга қизиқиш кучайиб борганки, бунинг натижаларидан бири, Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойик" пандномасидир. Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва ижодидан баҳс юритган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси, энг аввало, "Ҳибат ул-ҳақойик"нинг охирида берилган ва Амир Сайфиддин қаламига мансуб бўлган қайдларга мурожаат этганлар. Унда айтилишича, «Адиблар адиби фозиллар боши» бўлган Аҳмад Югнакий Маҳмуд номли фозил бир зотнинг ўғли эди. У таваллуд топган сафоли ва хушҳаво манзилнинг номи Югнакдир¹.

Туғма кўр бўлиб туғилишига қарамасдан («Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи») бу улуг зот авлодларга "Ҳибат ул-ҳақойик"дек қимматли бир асарни мерос қолдирган.

Ўзбекистонда Аҳмад Югнакий асарига қизиқиш асримизнинг йигирманчи йилларида бошланган. Профессор Абдурауф Фитрат 1927 йилда чиқарган «Ўзбек адабиёти намуналари» антологиясида "Ҳибат ул-ҳақойик"дан парчалар киритган эди. Шундан сўнг, ўша даврнинг энг оммавий журнали «Маориф ва ўқитғувчи» (1928, 10-сон) Фитратнинг "Айбатул ҳақойик" номли мақоласини эълон этди. Бунда устоз Фитрат Нажиб Осимбекнинг нашрига асосланган. Ўзбек китобхони Аҳмад Югнакий ва унинг асари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги учун Фитрат, дастлаб, Адибнинг таржимаи ҳолига кенгрок эътибор қаратади. Ва бунда Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти, туғилган жойи, китобнинг ёзилиш сабабларига доир "Ҳибат ул-ҳақойик"нинг ўзида мавжуд тарихий факт ва маълумотлардан фойдаланади.

Шунингдек, Фитрат яна бир ишончли манба сифатида Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асарига мурожаат қилган. Бироқ «Насоимул муҳаббат»да келтирилган бир далил Фитратни унча қаноатлантирмайди. Бу – Адиб Аҳмаднинг «Бағдод шаҳридан тўрт йиғоч» йироқда тургани ҳолда Имом Аъзам (Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибни Собит (699-776)) раҳматуллоҳи алайҳдан сабоқ олгани ҳақидаги фикрлар эди. Бунинг у «афсонавий хабар» деб баҳолайди. Фитратга кўра, "Айбатул ҳақойик"нинг тили, услуби "Қутадғу билиг"дан бир-икки аср сўнгра ёзилганини тасдиқлайди.²

Тадқиқотда ўттизинчи йиллардан то тўқсонинчи йилларгача бўлган югнакийшунослик тарихи ҳақида фикр юритилиб, кейин филология фанлари доктори М.Имомназаровнинг мақоласи билан бошланган мунозарага махсус тўхталинган.

¹ Аҳмад Югнакий. "Ҳибатул-ҳақойик". Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Маҳмудов. – Т., 1971, 96-бет.

² Фитрат А. Кўрсатилган мақола.

Умуман олганда, М.Имомназаровнинг «Адиб Аҳмад қачон яшаган?» номли мақоласининг босилиши югнакийшунослик учун фойдали иш бўлди. Бу мақолада Аҳмад Югнакий VIII асрда яшаб ижод этган, деган даъво илгари сурилган. Шундан сўнг бир неча тадқиқотчиларимиз Аҳмад Югнакий яшаган давр, "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг ғоявий олами ва тил хусусиятлари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўқувчилар диққатига ҳавола этдилар¹. Бизнинг ушбу мунозарали масалага доир хулосаларимиз шундай: биринчидан, Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асаридаги ханафийлик мазҳабининг асосчиси Абу Ханифа ан Нуъмон ибн Собит, яъни Имоми Аъзам (699-776) ва Аҳмад Югнакий муносабатларига доир маълумотлар тарихий эмас, балки манокӣбий мазмунга эгадир. Иккинчилан. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонидан кейин Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си вазнида – арузнинг мутақориб баҳрида ёзилганлиги инобатга олинса, бу баҳр VIII асрларда ҳали форс-тожик адабиётида ҳам мавжуд бўлмаганлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Қолаверса, филология фанлари доктори Ҳ.Болтабоев қайд этганидек, Халил ибн Аҳмад томонидан 170-йиллар атрофида яратилган мутақориб вазнида Адиб Аҳмад 150-йилга қадар асар ёзиши мумкин эмас эди². Демак, "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг вазни ҳам унинг "Қутадғу билиг"дан кейин яратилганлигини тасдиқловчи мустаҳкам асосдир. Учинчилан. "Ҳибат ул-ҳақойиқ"да тилга олинган "Амири Дод Сипоҳсолор" унвони Имом Аъзам яшаган даврларда умуман мавжуд эмас эди. Шу маънода Абдурауф Фитратнинг Сайфи Исфаранги девонидан олинган мисраларга таяниб айтилган фикрлари ҳам буни тўла тасдиқлайди.

Хуллас, М.Ф.Кўпрулу, Абдурауф Фитрат, Р.Р.Арат, Е.Э.Бертельс, Қ.Маҳмудов, Н.Маллаев, Т.Такин каби ўнлаб йирик олимларнинг хулосаларига қўшиламиз ва "Ҳибат ул-ҳақойиқ" XI-XII асрлар адабий маҳсули деб ҳисоблаймиз.

"Ҳибат ул-ҳақойиқ" шундай бир қимматли асарки, у ўтмишда фақат кенг ўқувчилар оммасини эмас, балки ҳукмдор доиралар диққатини ҳам ўзига жалб этиб келган.

¹ Қаранг: Имомназаров М. «Адиб Аҳмад қачон яшаган?» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995. -31 март; Маҳмудов Қ. «Манбаларни қайтадан кўрмоқ керак»//Ўзбекистон адабиёти ва санъати; Умаров Э. Тили ҳам қадимий // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995. -28 апр.; Ҳаққул И. «Аҳмад Югнакий Имоми Аъзамга замондош бўлгани?»//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. -30 май; Болтабоев Ҳ. «Бутун эҳтимолларнинг кучлиси...»//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. -13 июнь; Ражабов Н. "Ҳибатул ҳақойиқ" қачон ёзилган?//Ёзувчи. -1998. -14 окт.

² Болтабоев Ҳ. Кўрсатилган мақола.

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов Улуғбек даврида худди Хиротга ўхшаб Самарқандда ҳам қадимги туркий адабий ёдгорликларига кизиқиш кучли бўлганлиги хусусида мулоҳаза юритиб ёзади: «1444 йил Арслон Хожа Тархоннинг хоҳиши билан Самарқандда Адиб Аҳмад Югнакийннинг машҳур достони "Ҳибат ул-ҳақойиқ" уйғур ёзувида кўчирилган. Достон матнининг иловасида Адиб Аҳмад ва унинг достонига бағишланган эски ўзбек тилидаги шеър берилган. Улардан бирининг муаллифи Темурга хизмат қилган ва туркий ҳамда форсийда Сайфи таҳаллуси билан шеърлар ёзган амир Сайфиддин Барлос бўлса, иккинчиси Арслон Хожа Тархондур».¹

Арслон Хожа Тархоннинг ташаббуси билан "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг уйғур ёзувида кўчиртирилишида бошқа бир маъно ҳам бор эди. Муғул ҳукмдорлари, айниқса, Амир Темур ва ворислари даврида уйғур ёзувини қўллаш миллий-маданий ҳаракат мазмунига эга эди. Шу боис давлат ҳужжатлари, фармонларини форсийда ёзишга кўниккан маъмур ва муншийлар ҳатто Хуросонда ҳам уйғур ёзувини ўрганишга мажбур бўлганлар. Демак, "Қутадғу билиг", "Ҳибат ул-ҳақойиқ" каби туркий шеърятнинг қадимий намуналарининг такрор-такрор уйғур ёзувида кўчиртирилиши миллий тил ва адабиёт ривожини кўзлаб амалга оширилганлигини ҳам инобатга олмоқ лозим. Бу эса халқимизнинг Адиб Аҳмад шахси ва асарларига эътиборнинг ортишига яқиндан ёрдам берган.

XIV асрнинг биринчи ярмида ҳукмронлик қилган Амир Шайх Абу Исҳоқнинг бош кўмондони Амир Ойтемирга бағишланган бир мажмуада турли шеърый парчалар билан бир қаторда "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг баъзи қисмлари ҳам киритилган экан.² Бу факт фақат туркий халқларда эмас, балки форсийзабон халқларнинг ҳокимият бошқаруви ишларида қатнашган амалдорлар ҳам "Ҳибат ул-ҳақойиқ"ни ўқиб ўрганганлигидан далолат беради.

Илмда "Қутадғу билиг"нинг туркий адабиётга ўтказган ижобий таъсири тўғрисида бир қанча қимматли фикрлар баён этилган. "Ҳибат ул-ҳақойиқ" ҳақида бундай дейиш қийин. Ҳолбуки, адабиётимиз ривожига бу асарнинг ҳам ўзига хос таъсири бўлган. М.Ф.Кўпрулу «Қисасул анбиё» таркибидаги мутақориб вазнида битилган тўртликлар, "Қутадғу билиг" ва "Ҳибат ул-ҳақойиқ" анъанасига таяниб ёзилганлигини таъкидлайди.³ Абулғозий Баҳодирхон «Шажарайи тарокима» китобида ўша замонда

¹ Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963, стр. 35.

² Kōprülü M.F. Edebiyat Araştırmaları. 2-cild. -İstanbul, 1989. S.100.

³ Kōprülü M.F. Türk edebiyatı tarihi. -İstanbul, 1926. S. 288

туркманлар орасида кенг тарқалган ва жуда машхур бўлган «Муъинул муридин» номли асари ҳақида гапиради. Шайх Шариф номли муаллиф томонидан ёзилган бу асарда ахлоқий-маърифий мавзу талқин этилган. Абулғозий Баҳодирхоннинг белгилашича, унда асосан имон, маърифати Ҳақ, маърифати Расул, файзи илоҳий, одоби сулук ва дарвешликка доир масалалар ёритилган. Бурса кутубхоналаридан бирида сақланаётган «Муъинул муридин»нинг нусхаси асосида текшириш олиб борган М.Ф.Кўпрулуниинг хулосаси бўйича, «Муъинул муридин» худди "Ҳибат ул-ҳақойиқ" каби бошдан-охир тўртлик шаклида ва мутақориб вазида битилган тўққиз юз байтлик диний-тасаввуфий ва соф таълимий моҳиятдаги бир асардир. Асар муаллифининг "Ҳибат ул-ҳақойиқ"ни кўриб, ҳатто унга тақлидан қалам тебратганлиги муҳаққак кўринур».¹

Бошқа бир тадқиқотчининг эътирофи бўйича, «Муъинул муридин»нинг ҳошиясида ёзилган «Жавоҳирул асрор» деган тасаввуфий мазмундаги манзума ҳам "Ҳибат ул-ҳақойиқ" таъсирида яратилган.²

Хуллас, туркий адабиётнинг қадимги ёзма ёдгорликларидан бири бўлган «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ўзига хос «Мавоиз китоби» - гўзал ахлоқ, илм ва маърифат, меҳнат ва саодат сирлари ёритилган панднома. Асарда ёритилган ҳар бир масала комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш нуктаи назаридан талқин қилинган ва баҳоланган. Асар ҳажман кичик бўлса-да, унинг маъно ва мазмун олами жуда кенг. Адиб Аҳмад комил инсон қандай яшаши керак ва қандай қилиб комиллик мақомини эгаллаш мумкинлигини содда ва таъсирили ифодаларда ёритиб берган.

Тадқиқотнинг **иккинчи боби** «Ҳоявий ўзига хослик ва мазмундорлик кўлами» деб номланган. "Ҳибат ул-ҳақойиқ" ғоя ва мазмун эътибори билан ўзига хос бир ахлоқий-таълимий асардир. Ўтган асрнинг ўнинчи йиллари ўрталаридан бошлаб, яъни "Ҳибат ул-ҳақойиқ" илк бора нашр этилганидан буён тадқиқотчилар унинг маъно ва мазмуни ҳақида турли хил фикр-мулоҳазаларини ифодалаб келадилар.

Абдурауф Фитратга кўра, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» **мундарижа** эътибори билан «диний ахлоқ» ўргатувчи манзум бир **рисолада** иборатдир³. Академик Ойбек таърифига биноан, "Ҳибат ул-ҳақойиқ" ҳам «Қутадғу билиг» сингари дидактик асардир. «У ислом

¹ Кўпрулу М.Ф. Ўша асар. 291-бет.

² Banarlı Nihad Sami. Resimli Türk edebiyatı tarihi. 1-cild. -Istanbul, 1998, s. 246

³ Фитрат А. Кўрсатилган мақола, 43-бет.

дини ахлоқини ташвиқ қилиш учун ёзилган»¹. "Ҳибат ул-ҳақойиқ"ни тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган Қ.Маҳмудов унинг «Мазмуни асосан дидактикага доир масалалар»дан иборатлигини таъкидлаган².

Бундан ташқари, Қ.Маҳмудов Югнакийнинг «дунёвий ҳаётдан ажралмай яшашни тарғиб» этганлигини ҳам ҳаққоний кўрсатганки, олимнинг «дунёвий ҳаёт билан боғланишни тарғиб этиш ўша давр муҳитида катта жасорат эди» - деган сўзларини ҳам қўллаб қувватлаш лозим. Демак, "Ҳибат ул-ҳақойиқ"ни «тамомила диний ва ахлоқий» бир асар, дея баҳолаган тадқиқотчиларнинг ҳукмларини тўлиқ маъқуллаб бўлмайди. Чунки унда дин билан бир қаторда дунё тўғрисида, ахлоқ билан ёнма-ён илм, тафаккур ва инсон умрининг асл моҳияти ҳақида ҳам жуда қимматли фикрлар ифодаланган.

Бизнинг назаримизда, "Ҳибат ул-ҳақойиқ"нинг ғоявий-бадний қувватини белгилайдиган ва Адиб Аҳмаднинг мутафаккирлик истеъдодини кўрсатадиган боблардан бири – илмдан баҳс этилган бобдир. Унингча, илм нури билан саодат йўли ёришади. Бу йўлга киришни истаган одам, албатта, илм эгаллаши зарурдир:

Билик бирла бил(и)нур саодат йўли³,

Билик бил саодат йўлини була.

Мазмуни: Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла.

Ўтмишда илм ва маърифат қатъий тарзда бир-биридан ажратилмаган бўлса-да, улар айна бир нарса деб ҳам қаралмаган. Зеро, ҳақиқий маърифат илҳомга таянган воситасиз илм яъни ирфон демакдир. Шунингдек, Оллоҳни таниш ва билиш илмига ҳам маърифат дейилган. Адиб Аҳмад ҳам «Билик бирла билинур тўраткан иди – яратган тангри илм билан танилади», - дейди. Назаримизда, Адиб Аҳмаднинг эран, яъни авлиёуллоҳдан баҳс юритиши ва:

Сўнгакка йилик тек эранга билик,

Эран кўрки ақл ўл, сўнакнинг йилик -

сўнгакда илик бўлиши лозим эканлиги каби эр кишига билим керакдир, эр кишининг кўрки ақлдир, сўнгакнинг кўрки эса иликдир (41-бет), дейиши ҳам бевосита маърифат билан боғлиқ. Бундай хулосага келишимизнинг яна бир сабаби шундаки, Адиб

¹ «Ўзбек поэзиясининг антологияси», 1948, 6-бет

² Қ.Маҳмудов. «Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асари ҳақида», 8-бет.

³ Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ. 40-бет (Бундан кейинги мисоллар ҳам мазкур китобдан олиниб, бети қавсда кўрсатилади).

Аҳмад тирикликнинг асл мазмунини ҳам, инсон учун абадият сирини кашф қилишни ҳам маърифат эгаллашда кўради. У билимсиз, маърифатсиз умр кечиришни ҳаёт ҳисобламайди. Минг илмсиздан биргина илм ва маърифат соҳибини устун қўяди:

Биликлик биринга биликсиз мингин,
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин.

Мазмуни: Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илмнинг кадрига етади (42-бет).

Адиб Аҳмад бу бобдаги байт ва мисраларнинг деярли ҳар бирида «биликлик» ва «биликсиз» сўзларини қўллайди ва билимлининг феъл-атвори, фазилат ва ҳолати, ҳақиқат ва ҳаракатлари нима-ю, билимсизнинг тақдири ва азоби нималардан иборат эканлигини донишмандлик билан бирма-бир тавсифлаб беради.

Ўнинчи асрдан эътиборан туркий халқлар орасида дин асосларини маънавий ҳаётда барқарор қилиш учун кенг фаолият олиб борилган эди. Бунга адабиёт вакиллари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар бу ишда ислом динининг икки бош манбаи – Қуръон ва ҳадисларга таяндилар ва шулар таъсирида қалам тебратдилар. Қуръон оятларидаги сўз ва маънолардан мусулмон оламидаги ҳар бир ижодкор ўзича илҳомланган ва зарур ўринларда уларга таяниб, ёки улардан ижодий фойдаланиб қалам тебратган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавийлар ана шу ижодий ишнинг бошида турган туркийгўй ижодкорлар эдилар.

Адиб Аҳмад ўз пандномасининг муқаддимасида ёзади:

Йўқ эрдим яратдинг яна йўқ қилиб,
Икинч бор қилурсан муқирман мунга.

Мазмуни: Йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ қилиб, қайта (иккинчи) вужудга келтирасан, бунга иқрорман (30-бет).

Бу мисралардаги фикр ва эътирофни Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги 28-оятнинг туркийдаги шеърий бир талқини дейиш мумкин: «Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайтажагингиз – Оллоҳни қандай инкор қиласиз-а?».¹

Қуръоннинг Зумар сурасида (9-оят) «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!»², - деган савол мавжуд. Бу гап Адиб Аҳмад томонидан «Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?», - деган тарзда ифодаланган.

¹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., 1992, 9-бет.

² Ўша китоб. 325-бет.

А.М. Шчербакнинг ёзишича, аллитерация атамасини тадқиқотчилар хилма-хил мазмунда тадбиқ этишган. Масалан, В.В. Радлов уни сўзнинг ҳар қандай ўринда маълум ундош товушларнинг оҳангдошлиги деб билса, Т. Ковалский сўз бошидаги товушларнинг ҳар қандай оҳангдошлигини аллитерация ҳисоблайди.¹

Е.Д. Поливановнинг ёзишича, аллитерация, албатта, қофия усулига яқиндир: аллитерация ҳам, қофия ҳам нутқнинг айна бир товуш унсурларидан таркиб топади. Фарқ фақат шундаки, қофия шеър сўнггида ўзни такрор шаклида кўрсатса, аллитерациянинг унсури аксинча: шеърдаги сўзнинг бошланғич унсури ўларок хизмат қилади.² Биз эса А.М. Шчербакнинг «ҳар қандай бошланғич товушлар ёки товушлар гуруҳининг аниқ ёки тахминий оҳангдошлиги, шунингдек, унлилар гармониясига асосланган ҳар бир қатор ёки шеърый қаторлардан келиб чиқувчи маълум сифатий белгиларнинг оҳангдошлиги аллитерациядир», деган таърифларига асосландик. А.А. Леонтьев қадимги туркий шеърятда аллитерация ниҳоятда кам учрашини қайд этадики, бу хулосани қўллаб-қувватлаш қийин. Чунки рус олимаси И.В. Стеблеванинг қарашларини ривожлантирган ҳолда филология фанлари доктори Н. Раҳмонов ҳам шунга ўхшаш фикрларни далиллар билан инкор этгандир.³ Аллитерация усулида битилган мана шу мисралар эса «Ҳибат ул-хақойиқ»дан ўрин олган:

Билик бирла бил(и)нур саодат йўли,	(б)
Билик бил саодат йўлини була...	(б)
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур...	(б)
Билик билти бўлти эран белгулук...	(б)
Биликлик биринга биликсиз мингин,	(б)
Тенггакли тенгади биликнинг тенгин...	(т)
Кераксиз сўзини кўмуб кизлаюр...	(к)
Билик билмагандан бир анча будун...	(б)
Бошок турса бутмас бутар ўқ боши.	(б)

¹ Щербак А.М. Соотношение аллитерации и рифмы в тюркской стихосложении. «Народы Азии и Африки». –1962. -№2. – С.142-153.

² Поливанов Е.Д. О приёме аллитерации в киргизской поэзии в связи с поэтической техникой и языковыми фактами других «алтайских» народностей//Проблемы Восточного стихосложения. - М., 1973, стр. 104.

³ Қаранг: Стеблева И.В. Переход звуковой организации стиха от древнетюркской аллитерационной системы к точной рифме классической поэзии//Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. - М., 1976, стр. 154-164; Раҳмонов Н. Култегин ёдномасида аллитерация масаласи. «Ўлмас обидалар». – Т., 1989, - Б.151-166.

«Хибат ул-ҳақойиқ»даги сўз қўллаш малакаси, вазн, қофия ва радифдан фойдаланиш маҳорати ҳам муаллифнинг шеърят конун-қоидаларидан чуқур хабардорлигидан далолат беради. Лекин шунга қарамасдан, асар вазн ва қофияларида айрим камчиликлар ҳам учрайди. Шуларга асосланиб, Т. Такин Аҳмад Югнакий «шеър техникасининг кучли эмаслигини»¹ таъкидлайди. Аслида бундай камчиликларнинг аксарияти асар муаллифига эмас, уни кўчирган хаттотларга тегишли бўлган. Бир мисол:

Сўнгакка тек эранга билик,

Эран кўрки ақл ўл, сўнакнинг йилик (41-бет).

«В» нусхадан келтирилган ушбу байт Арат Раҳматий нашрга тайёрлаган «С» нусхада қуйндагичадир:

Sungekke yilig teg erenke bilig

Eren korki akl ol sungekning yilig².

Умуман, Адиб Аҳмад фақат вазн ва қофияда эмас, бадий санъатларни қўллашда ҳам Шарқ поэтикаси қонун-қоидаларидан четлашмаган эди. Асарда ташбих, таносуб, ташхис, ирсоли масал ва тазод сингари ўндан ортиқ бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланганлиги ҳам бизнинг даъвомизни тўла-тўқис исботлайди. Тадқиқотда дастлаб тазод санъатига тўхталинди. Чунки бу бадий санъат асарда нисбатан кенг қўлланилган.

Тазодга «тибоқ», «мутобақот», «тадбиқ», «такофу» ҳам дейилган. И. Кўчақоплоннинг ёзишига биноан, «Тазод ҳаяжонга боғлиқ бир санъатдир. Ҳаяжон санъаткорнинг зехнида мажозий бир акс-садо ҳосил этар. Бу акс-садо зид бир шакл ила бошқа бир мантиққа йўл очар. Бу қарама-қаршилик ифодада бир маъно кенглигига хизмат этур»³. Демак, тазод, аввало, ҳис-ҳаяжон натижаси сифатида майдонга чиқади ва сўзлардан бирининг ҳақиқий, бошқасининг эса мажозий маъносига боғлиқ бўлади. Шуларга кўра ҳам тазод «маълум бадий образнинг ички хусусиятларини ёрқин гавдалантиришга хизмат қилади»⁴.

«Хибат ул-ҳақойиқ»да бошқа поэтик усул ва воситаларга нисбатан тазод анча устун мавқега эгалиги муаллиф истаги ёки хоҳишига кўра эмас, балки асарнинг умумғояси талаб ва эҳтиёжидан юзага келган. Чунки Югнакий илм-маърифат ва унинг фойдалари хусусида мулоҳаза юритиб, масаланинг иккинчи томони, яъни илмсизлик, илм эгаллашга тўсиқ бўладиган ахлоқий иллатлар


¹ Tekin T. Eski türk şiiri. «Türk Dili», 1989. Sayi: 409, s. 156.

² «Atebetü'l-hakayık», s. 48.

³ Kocakaplan I. Açıklamalı edebi san'atlar. -İstanbul, 1998, s. 246.

⁴ Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари//Ўлмас обидалар.

- Т., 1989. - Б. 408.



– жаҳолат, нодонлик кабиларни ҳам назардан четда қолдирмайди. Шунинг учун асарда шоир ўқувчига етказмоқчи бўлган бир мақсад ёки тушунча табиий равишда иккинчи бир мақсад ва тушунчага «тўқнаш» келади, бири бошқасининг инкори учун хизмат эттирилади. Натижада, айнан шу тазод туфайли ўқувчида сахийликнинг бахилликдан, тўғрилиқнинг эгриликдан, одобнинг одобсизликдан қанчалик устун ва аҳамиятли эканлигига тўла ишонч ҳосил этилади. Шоир тўғри сўзни «оғиз ва тилнинг безаги» деб таърифлайди:

Оғиз тил безаги кўни сўз туруп,
Кўни сўзла сўзни дилингни беза (50-бет).

Аммо шу таъриф билангина чекланмайди, балки моҳият талқинига киришилади. Бунда муаллиф мақсадига мувофиқ келадиган биринчи бадий усул ташбиҳ эди. Шунинг учун тўғри сўз-асалга, ёлғон сўз-аччиқ пиёзга, ёлғон сўз-касалик, тўғри сўз-шифога ўхшатилади:

Кўни сўз асал тек бу ялғон басал,
Басал еб ачитма ағиз е асал.
Е ялғон сўз йигтек кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзаги урулмиш масал (51-бет).

Асал билан аччиқ пиёз ўзаро қанчалик қарама-қарши бўлса, хасталик билан шифо ҳам шу қадар бир-бирига зид ҳолатлар ҳисобланади. Демак, шоир ниятининг юзага чиқишида ташбиҳдан кўра тазоднинг хизмати устунроқдир.

Умуман, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» матнида тазод санъатининг кенг ўрин эгаллаганлигини ҳатто асар бобларидаги сарлавҳалар ҳам қувватлайди. Масалан, бир боб «Саховат ва бахиллик оқибати ҳақида», деб аталса, кейингиси «Тавозеълик манфаати, кибр ва ҳарисликнинг зарари тўғрисида» дейилади. Бунда гап фақат саховатнинг бахилликка, тавозеънинг кибр ва ҳарисликка қарама-қарши қўйилишида эмас, албатта. Балки кетма-кет ва бир-биридан мазмундор тазодлар орқали мазкур тушунчаларнинг маъноси, фойда ва зиёнларини ишончли ва таъсирли тарзда ўқувчи қалбига сингдира олинишидадир. Шу боис, ушбу бобларда саховат ва бахиллик, тавозеъ ва кибр каби умумий маълумотлардан ташқари, эътиборли поэтик тимсоллар ҳам ўрин топган.

Муҳаммад Фуод Кўпрулуниинг ёзишича, «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да халқ адабиётининг таъсири жуда ёрқин ва кучли бир тарзда кўзга ташланади. Кейин эса бу адабий анъана «ҳижрий VII аср бошларидаги классик тасаввуф адабиётимизда давом топганини

кўрамизки, бунда ҳеч шубҳасиз «Атебатул ҳақойиқ»нинг таъсирини ҳам қабул қилиш лозимдир»¹.

Халқ оғзаки ижодиётининг мақол, матал, хикматли сўз ва иборалар, қиёс ва бошқа тасвирий воситаларидан Аҳмад Югнакий унутли фойдаланганлиги филология фанлари доктори Э. Рустамов томонидан ҳам қайд этилган². Асардаги **ирсоли масал** санъатига мансуб байтлар мазкур фикрларнинг тўғрилигини кўрсатади. Маълумки, халқ мақоллари ва хикматлари шеър тилини сайқаллаштириб, мазмунини бойитади. Аҳмад Югнакий бу ҳақиқатни чуқур англаб, унга амал қила олмаганда, албатта:

Безадим китоби мавоиз масал,

Боқигли, ўқуғли осиг олсу(в) теп-

дея ёзмаган, ўқимишли, саводли (кишилар) ундан фойдалансин деб, китобимни насихат ва мақоллар билан безадим (39-бет), демаган бўлар эди.

Шу эътирофнинг ўзиёқ «Ҳибат ул-ҳақойиқ» муаллифи халқ оғзаки ижоди бойликларида илҳом олганлиги ва таъсирланганлигига ишорат этади. Адиб Аҳмад ҳам мақолларни айнан ёки шаклий ўзгартириш билан матнга киритади.

Халқимизда «Қонни қон билан ювиб бўлмас» - деган қадимий мақол бор. Бу мақолда одамларни ёмонликка яхшилик, жафога вафо билан жавоб қайтаришга даъват этилган. Югнакий ушбу мақолни қўллар экан, масалага фақат ўзининг қарашини эмас, айти пайтда халқнинг нуқтаи назарини ифодалашга муваффақ бўлади.

Жаво қилдачингга ёнут қил вафо,

Аримас неча ювса қон бирла қон.

Мазмуни: Сенга жафо қилувчига сен вафо билан жавоб қил, қонни қон билан қанча ювса ҳам, у аримайди (74-бет).

Шундай мақол, маталлар борки, улар ҳар бир ижодкорнинг диққатини ўзига жалб эта олади ва ҳар бир шоир ёки ёзувчи уларни қўллашга эҳтиёж сезади. Хусусан, тил одоби ва маданиятига доир мақолларга муносабатда шундай ҳол кўзга ташланади. Зеро, Адиб Аҳмад айтганидек, одобнинг боши тил ва тилни тия олишдир. Адабиётшунос Б.Тўхлиев «Девону луғотит турк»дан ўрин олган «Ардам баши тил» («Одоб ва фазилатлар боши тилдир») мақолидан Юсуф Хос Ҳожиб ҳам фойдаланганлигини қайд этган³. Бу мақолни «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да ҳам учратамиз. Шу жиҳатдан

¹ Köprülü M.F. Türk edebiyatı tarihi, s. 178.

² Рустамов Э. «Узбекская поэзия в первой половине XV века», стр. 145-146.

³ Қаранг: Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари//Ўлмас обидалар. – Б. 425.

«Кутадғу билиг» билан «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да яна бошқа ўхшашликлар ҳам мавжуд. Юсуф Хос Ҳожиб »Қилич яраси тузалур, тил яраси тузалмас» мақолини баъзи ўзгартиришлар билан қўллаб бир байтида ёзади:

Уруб берка боши бутер тарк сўнар,
Тилин сўкса битмас аччиғи йилин¹.

Мазмуни: Таёқ зарбасининг изи тез кетар, тил зарбининг изи эса узоқ қолар.

Албатта, тил зарби таёқ зарбидан, захри эса илон захридан ҳам ёмон. Шунинг учун буидан эҳтиёт-ҳамма эҳтиётларнинг асоси деб ҳисобланилган. Мақсад нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Югнакийнинг мана бу фикрлари билан Юсуф Хос Ҳожибнинг юқоридаги байти ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқ. Лекин мақолни ишлатишда бир қадар фарқ бор:

Ўчуктурма эрни тилин бил бу тил,
Бошоқ турса битмас бутар ўк боши,-

Мазмуни: Кишини ўчакиштирма, (униинг) тилини бил, бу тил яраланса (бузилса) тузалмайди, ўк яраси эса битиб кетади (48-бет).

Бунда «ўк яраси» «таёқ зарби»га нисбатан тил ярасининг ёмонлигини яна ҳам бўрттириб кўрсатади. Юсуф Хос Ҳожиб «Қўл билан ургандан, тил билан урган ёмон», деган ҳақиқатга асосланган бўлса, Югнакийга мақолнинг янада таъсирли ва мажозийроқ варианты маъқул келган. Одамларни «тил яраси»дан муҳофаза этишнинг бир чораси, «ўйнаб сўзласа ҳам, ўйлаб сўзлаш»дир. Шу мақсад «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт» мақолида ҳам аксини топган. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да шу мақол мазмуни асосида ёзилган бир байтда ўқиймиз:

Ўқуб сўзла сўзни, эва сўзлама,
Сўзунг кизла кедин, бошинг кизлама.

Мазмуни: Сўзни ўқиб сўзла, шошиб (беҳуда) гапирма, (кераксиз, ярамас) сўзингни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма (78-бет).

Шарқ адабиётида кенг қўлланилган бадий санъатлардан бири, албатта ташбихдир. Одатда, шоир ўз фикрини аниқ, жозибали шаклда ўқувчига етказиш учун икки буюм ёки тушунчани ўзаро ўхшатиб баён қилади. Бу ўхшатиш ҳақиқий ва мажозий бўлиши мумкин. Агар ўхшатиш учун ҳаётий, аниқ буюмлар танланса, у ҳақиқий ташбих дейилади. Ноаниқ, мавҳумий тушунчалар танланган бўлса мажозий ташбих ҳисобланади. Масалан, Адиб Аҳмаднинг фалсафий тушунчалари баён қилинган қўйидаги мисраларда ҳақиқий ташбихнинг намунасини кўрамыз:

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг». 67-бет.

Йилонтек бу очун йилон ўғлағу,
 Йўмоққа юмшоқ ичи бўр оғу.
 Йилон юмшоқ эркан ёвуз феъл тутар,
 Йироқ турғу, юмшоқ теб инонмағу (58-б).

Бу мисраларда шоир дунёнинг асл қиёфасини шеърхон назарида аниқ гавдалантирган дейиш мумкин. Чунончи: дунё бамисоли бир илондир. Унинг юмшоқ ва силлиқлигига алданма. Зеро ҳамма ёмонлик унинг феълидадир, макрига учсанг ҳам фириб ейсан, ҳам умрингни хазон этасан.

Бу дунё тўғрисида туркий шеъриятда айtilган энг чуқур фикрлардан бири бўлиб, унинг таъсир даражасини бевосита ташбих белгилайди. Гап дунё ва дунёнинг мураккабликлари тўғрисида борар экан, Адиб Аҳмаднинг **ташхис** усулида яратилган байтларини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Мана бу байтда дунё гоҳ хўмрайиб, гоҳ жилмайиб, бир қўлида «бол» тутиб, иккинчи қўли билан «заҳар» узатаётган маккор бир киши қиёфасида шахслантирилган:

Очун кулчерар боз элин қош четар,
 Бир элкин тутиб шахд бири заҳар қотар (57-б.)

«Ҳибат ул-ҳақойиқ»даги ўнлаб **тажнислар** ҳам Адиб Аҳмаднинг сўз санъати сирларини чуқур эгаллаганлигидан гувоҳлик бера олади.

Хуллас, тадқиқотда «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да қўлланилган **таъдил, тансиқ ас-сифат, такрор, тажнис, истиора, талмеҳ** сингари поэтик санъатларга ҳам алоҳида ўрин ажратилиб уларнинг асар матнидаги ғоявий-бадий вазифаси хусусида атрофлича мулоҳаза юритилди. Шунини қайд этиш жоизки, туркий халқлар исломни қабул қилгач, туркий тил форс ва араб адабиётларидан янада кенгроқ таъсирланиб, умумий мавзулар, ўхшаш шакл, услуб ва усулларга эга бўлди. Лекин, бу жараёнда шунчаки эргашиш ва таклидчилик рўй бермади. Ҳар бир тил ўзининг табиий ривожланиш йўлларига эга бўлганидек, ҳар бир адабиёт ҳам ўз қиёфасини намоён қила олди. Бунини фақат ғоя ва образлар оламида эмас, балки бадий тасвир усуллари ва маҳоратда ҳам кузатиш мумкин. Шу маънода Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийлар қатори Аҳмад Юғнакий ҳам ўзининг ижодкорлик вазифаси ва бурчини шараф билан адо эта олган. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг бадий хусусиятлари ҳам шундай дейишга етарли даражада асос беради.

Ишнинг хулосаси. Шундай қилиб, диссертацияда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни мухтасар тарзда қуйидагича хулосалаш мумкин.

Биринчидан, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари худди «Девону луготит турк», «Қутадғу билиг» ва «Девони ҳикмат» каби асарларга ўхшаб туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ноёб адабий ёдгорлигидир. Унда ифодаланган ахлоқий, маърифий, фалсафий маънолар фақат ўтмиш учун эмас, балки ҳамма даврлар учун ҳам тарбиявий ва таълимий қимматга эгадир.

Иккинчидан, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» қадимги туркий тилда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонидан кейин ёзилган иккинчи бир панднома. У шакл ва мазмунда «Қутадғу билиг»нинг маълум бир таъсирларини ўзида ифода этган бўлса-да, ғоявий, бадиий жиҳатдан ўзининг бетакрор хусусиятларига ҳам эгадир.

Учинчидан, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» маъно ва мазмунни тўғрисида тадқиқотчилар томонидан баъзи фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлса-да, аммо у тўла-тўқис ёритилгани йўқ. Айниқса, унинг диний, тасаввуфий моҳияти ва мавзулари деярли текширилмаган. Биз эса бу муаммони атрофлича тадқиқ қилдик.

Тўртинчидан, Мумтоз адабиётимиздаги у ёки бу асарнинг бадиияти текширилганда, Шарқ поэтикаси қонун-қоидалари ва мезонларига таяниб иш юритиш адабиётшунослигимизда яхши самара берадиган умумий йўлга айланиб қолди. Биз ҳам «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг бадиий хусусиятларини ёритишда шу йўлни танладик ва ташбеҳ, тазод, истиора, ташхис, ирсоли масал сингари бадиий санъатларга суяниб, Адиб Аҳмаднинг шоирлик маҳоратини гавдалантириб бердик.

Бешинчидан, ахлоқ-одоб, илм ва ҳақиқат, нафс тарбияси ва комиллик каби мавзуларда ёзилган шеърый асар шундай йўналишдаги бадиий ижод намуналарининг дунёга келишига таъсир ўтказмасдан қолмайди, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» мисолида ҳам бу нарса тасдиғини топганлиги ишда кўрсатиб ўтилди.

Олтинчидан, туркий халқларнинг тарихи, тили, уларнинг диний, ижтимоий, маданий ҳаёти, адабий анъаналари ва дунёқарашларини билиш учун «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳам жуда қимматли ёдгорликлар қаторида туради. Асар ҳажман кичик бўлса-да, кўп заҳмат чекиш ва кўп илмий тадқиқотлар олиб боришга тўла лойиқдир. Адиб Аҳмад асарида етакчи мавзу бўлган оқил, одил ва комил инсон масаласи, бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»даги панд ва ўғитлар жамиятимиздаги салбий иллатларни, ноқисликларни, инсонлар орасида учрайдиган маънавий қашшоқликни бартараф этишга ёрдам кўрсатиши шубҳасиздир.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни диссертантнинг қуйидаги нашр ва мақолаларида ўз ифодасини топган:

1. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да тазод санъати. // Ўзбек тили ва адабиёти. –1999. - № 2. - Б. 37-40.
2. Мақол, бадиий матн ва ифода. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000. - № 3. - Б. 42-44.
3. Тасаввуф ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ». // Тафаккур. - 2001. 4-сон. – Б. 91- 92.
4. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да оят ва ҳадис маънолари. // Ҳидоят. – 2001. - № 6. - Б. 28-29.
5. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари». – Тошкент: Адабиёт ва санъат. -2001. 7 б.т.
6. Навоий ва Адиб Аҳмад. // Туркистон. – 1998. -7 февр.

Р Е З Ю М Е

диссертации Г.У.ХУЖАНОВОЙ «Поэтика «Хибат ул-хакайик»

Данное исследование посвящено освещению творческой биографии видного представителя тюркской литературы Ахмеда Югнаки и поэтике «Хибат ул-хакайик».

Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении обосновывается актуальность темы исследования, характеризуется её научная новизна, теоретическая и практическая значимость, формулируются цель и задачи.

В первой главе диссертации «Эпоха Ахмеда Югнаки и изучение произведения «Хибат ул-хакайик» даётся анализ исторического периода, на который приходится творчество Ахмеда Югнаки. Значительное место занимает комплексное исследование личности и творчества мыслителя, раскрывается значение данного произведения и его влияние на последующее развитие тюркской литературы.

Вторая глава посвящена исследованию сущности и содержания произведения, изучению тенденций религии и суфийского учения, нашедших отражение в трудах Югнаки.

В третьей главе изучаются художественные особенности «Хибат ул-хакайик», особое внимание уделяется анализу его художественного мастерства и оригинальным особенностям использования им поэтических фигур, которыми так богаты его произведения.

В заключении изложены основные выводы и положения, полученные в ходе исследования.

SUMMARY

Gulchekhra U. Khojanova

“Poetics of Khibat ul khaqoyiq”.

The investigation is devoted to interpretation the creative biography of the eminent representative of the Turkic literature, to Akhmad Yugnaky and, the poetics of “Khibat ul khaqoyiq” as well.

The dissertation comprises an introduction, 3 chapters, a conclusion and a reference-list.

General characteristic of the work is given in introduction, the aims and tasks are grounded, the actuality and the level of study, the novelty are indicated, the methodological bases of the theoretical and practical importance and the structure are pointed out.

In the Ist chapter of the dissertation named “The epoch of Akhmad Yugnaky” and the research of the poem “Khibat ul khaqoyiq” that historical period in which Akhmad Yugnaky lived, his personality and creative works are discovered including the given poem and, its influence on the subsequent development of Turkic literature.

The 2^d chapter of the dissertation is devoted to the research of the essence and the maintenance of the poem, the tendencies connected with the religion and the teaching of sufism.

In the 3^d chapter of dissertation the artistic peculiarities of the poem “Khibat ul khaqoyiq” are studied, special attention is paid to discovery of the artistic skill and those used poetic figures.

In the conclusion the author’s scientific opinions and inferences are summarized, the theoretical and practical significance of the work are marked.